



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



WWW.XS.UZ



E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 22 ноябрь, № 245 (9140)

Шанба

Сайтимиға ўтиш учун QR-коддини телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ХИТОЙ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташқи сиёсат идоралари раҳбарлари стратегик мулоқотининг навбатдаги ййгилишида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Хитой Халқ Республикаси Коммунистик партияси Марказий қўмитаси Сиёсий бюроси аъзоси, Ташқи ишлар бўйича комиссия девони раҳбари, ташқи ишлар вазири Ван И бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Олий даражадаги келишувларни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги барча шариоитларда ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ҳамда кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришнинг амалий жиҳатлари кўриб чиқилди.

Учрашув аввалида Хитой ташқи ишлар вазири мамлакатимиз етакчисига Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг самимий саломи ва энг эзгу тилақларини етказди.

Давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси ва биргаликдаги саъй-ҳаракатлари туфайли икки томонлама муносабатлар мисли кўрилмаган юксак даражага кўтарилгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди.

Ўтган йили товар айирбошлаш ҳажми 14 миллиард долларга етди, қўшма корхоналар сони қарийб 5 мингтани ташкил қилмоқда, йил бошидан буён Хитойдан салкам 15 мил-

лиард долларлик инвестициялар ўзлаштирилди. Технологик шериклик лойиҳаларининг портфели 90 миллиард долларга қинлашди.

Юқори технологиялар, “яшил” ва атом энергетикаси, сунъий интеллект, транспорт, инфратузилма, қишлоқ хўжалиги, геология, қимё ва бошқа йўналишлардаги ҳамкорликни илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Барча даражаларда алоқалар фаоллашди, икки мамлакат ҳудудлари самарали ҳамкорлик қилмоқда, таълим ва маданий-гуманитар соҳада мазмунли алмашинувлар давом этмоқда.

Ўзбекистон етакчиси навбатдаги олий даражадаги тадбирларга пухта тайёргарлик кўриш ҳамда икки томонлама ҳамкорликни янги амалий мазмун билан бойитиш зарурлигини таъкидлади.

Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўлини қуриш лойиҳасини фаол амалга ошириш ва уни бошқа

транспорт йўлаклари билан боғлаш муҳимлиги қайд этилди.

Афғонистонни ижтимоий-иқтисодий тиклаш ва хавфсизлик масалаларида саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Кўп томонлама форматларда яқин сиёсий мулоқот ҳамда ҳамкорликни давом эттириш, олий таълим муассасалари ўртасидаги алоқаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда камбағалликка қарши курашиш, туризм ва бошқа соҳаларда қўшма лойиҳаларни илгари суриш зарурлиги таъкидланди.

Шу йилнинг ноябрь ойи охирида Ўзбекистонда бўлажак Хитой маданияти кунларининг муваффақиятли ўтказилишига ишонч билдирилди.

Шунингдек, халқаро ва минтақавий кун тартибидagi масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК, АРХИВ ИШИ ВА ЮРИДИК ТАЪЛИМ СОҲАЛАРИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ТАКЛИФЛАР ТАҚДИМОТИ

Президент Шавкат Мирзиёев 21 ноябрь куни интеллектуал мулк, архив иши ва юридик таълим соҳаларини ислоҳ қилишга қаратилган таклифлар тақдимоти билан танишди.

Кейинги йилларда интеллектуал мулк соҳасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Соҳада 51 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниб, Ўзбекистон 8 та халқаро шартномага қўшилди. Интеллектуал мулк ҳимояси кучайтирилиб, унга оид ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жазо қатъийлаштирилди, жинсий жавобгарлик белгиланди. Божхонада “ex officio” тартиб-таомили киритилиб, контрафакт товарларни йўқ қилиш тартиби жорий этилди, ҳар йили “Контрафактсиз ой” ойлиги ўтказилмоқда.

Интеллектуал мулк объектларининг сони 102 мингтадан ошди, хорижда маҳаллий ва Ўзбекистонга кирган хорижий брендлар муҳофазаси кенгайтирилди, Самарқанд нони, Чуст пичоқлари, Марғилон адраси каби 23 та географик кўрсаткич рўйхатдан ўтказилди.

Бу ишлар натижасида мамлакатимиз Глобал инновациялар индексида 14 поғона юқорилаб, 79-ўринга кўтарилди.

Тақдимотда соҳани янада ривожлантириш режалари кўриб чиқилди. Жумладан, Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти билан ҳамкорликда Интеллектуал мулк соҳасини ривожлантириш миллий стратегиясини ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

Режага кўра, патент ва гувоҳномаларга ўзгартириш киритиш жараёнлари соддалаштирилади, 5 та композит ва 4 та проактив хизмат кўрсатиш йўлга қўйилади.

Шунингдек, интеллектуал мулкдан фойдаланиш ҳолати Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингидида иноватга олинadиган тартиб жорий қилинади.

Барча олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида патентлаш, ишлаб чиқаришга киритиш ҳамда тижоратлаштиришга қўмаклашиш марказларини очиш, дастлаб Миллий университетда, кейинчалик яна 4 та олийгоҳда “Интеллектуал мулк объектлари менежменти” йўналишини ташкил этиш кўзда тутилган.

Ижодкорлар ва мутахассисларни рағбатлантириш мақсадида ҳар йили 5 та номинация бўйича “Энг яхши интеллектуал мулк объектлари” танловини ўтказиш таклифи қилинди. “Интеллектуал мулк соҳасини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун” махсус кўрак нишонни таъсис этилиб, 26 апрель — Бутунжаҳон интеллектуал мулк куниди топириб борилиши белгиланди.

Миллий географик кўрсаткичлар тизимини мустаҳкамлаш муҳимлиги қайд этилди. Етмишга яқин географик кўрсаткичларни рўйхатдан ўтказиш, Лиссабон тизимига аъзо бўлиш орқали миллий маҳсулотлар кийматини ва экспорт салоҳиятини ошириш муҳимлиги таъкидланди.

Архив ишини модернизация қилиш масалалари муҳокама қилинар экан, бугунги кунда юртимиз архивларида 16 миллионга ҳужжат тўплами, шу жумладан, 1,3 миллионга алоҳида қимматли ва ноёб ҳужжатлар сақланаётгани қайд этилди. Бухоро амири қушбегиси маҳкамаси ва Хива хонлиги девонхонаси ҳужжатлари ЮНЕСКОнинг “Жаҳон хотираси” рўйхатига киритилган.

Шу билан бирга, ҳужжатларни рақамлаштириш суръати йилга атиги 2 фоизни ташкил қилмоқда. 2030 йилга қадар архив фондининг рақамлашув даражасини 60 фоизга етказиш, алоҳида қимматли ва ноёб ҳужжатларни тўлиқ рақамлаштириш зарурлиги қайд этилди.

Бунинг учун соҳадаги ахборот тизимларини Ягона миллий архив ахборот тизимига бирлаштириш, ҳужжатларни радиочастотали идентификация (RFID) технологияси орқали ҳисобга олиш ва онлайн кузатиш тизимини жорий этиш, ҳужжатларни таснифлаш ва таниш жараёнига сунъий интеллект технологияларини жорий қилиш режалаштирилган. Туман (шаҳар) архивларининг вазифалари ҳудудий архив бошқармаларига ўтказилади.

“Шажаара” ахборот тизимини йўлга қўйиш таклифи билдирилди.

Янги хизмат фойдаланувчиларга ўз шажарасини яратиш, тугилиш, никоҳ ва ўлим ҳақидаги маълумотларни, генетик маълумотлар асосида узоқ қариндошларини излаш имконини яратади.

Юридик таълим ва фанни янада ислоҳ қилиш масалалари кўриб чиқилди.

Тошкент давлат юридик университетида клиник ва дуал таълимни жорий қилиш режалаштирилган. Таалабаларнинг амалиёт дарслари улуши 50 фоизга етказилади, фуқаролик, жиноят ва бизнес ҳуқуқи йўналишларида юридик клиникалар ташкил этилади. Замонавий ҳуқуқ талабларидан келиб чиқиб “Рақамли ҳуқуқ”, “Корпоратив ҳуқуқ ва бошқарув” каби янги таълим йўналишлари очилади.

Шу билан бирга, “таълим — тадқиқот — амалиёт” занжирини асосида факультетларнинг ташкилий тузилмасини янгилаш ва кафедраларни босқичма-босқич шўъбаларга айлантириш, университетнинг профессорлар кенгашини ташкил этиш таклифи этилди.

Тақдимотда қонунчиликдаги бўшлиқларни бартараф этиш ва тартибга солиш юқини қамайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Бу ишлар доирасида аҳамияти ва долзарблигини йўқотган 800 га яқин меъёрий ҳужжатларни бекор қилиш, 77 та ҳужжатни қайта кўриб чиқиш, тадбиркорлар учун 15 дан зиёд орқича талабларни қисқартириш орқали бизнес юритиш шариоитларини енгиллаштириш режалаштирилган. Қонулар самарадорлигини баҳолаш орқали коллизиян норма ва ҳуқуқий бўшлиқлар бартараф этиб борилади.

Президентимиз тақдим этилган янгиланишларни тизимли жорий этиб, муҳокама қилинган соҳаларда самарадорликни, аҳоли ва тадбиркорлар учун қулайликларни янада ошириш зарурлигини таъкидлади.

ЎзА.

«БИЗНИНГ КУЧИМИЗ – БИРЛИКДА, МУВАФФАҚИЯТ САРИ ЙЎЛИМИЗ – ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИКДА»

Нуриддин ИСМОИЛОВ,

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери.

Бугунги кунда Марказий Осиё ўзига хос барқарор ва бирдамлик минтақасига айланди. Бу қардош халқларнинг азалий орзуси эди. Минтақада нафақат барча соҳадаги масалалар ечилмоқда, балки бугун давлатларнинг сиёсий иродаси ва қардош халқларнинг интилишлари бир-бири билан уйғун ва муштаракдир.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг яқин қўшничиликка асосланган ташқи сиёсатини барча қардош давлатлар раҳбарлари қўллаб-қувватлаб келмоқда. 2018 йилда Остона шаҳрида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг биринчи Маслаҳат учрашувидан кейин ўтган қисқа даврда бу формат ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва барча муаммони амалда тўлақонли ҳал қилиш, имкониятларни бирлаштириш ва энг муҳими, минтақани биргаликда ривожлантиришнинг мустаҳкам институционал асосини ифода этмоқда.

Муносабат

Глобал мулоқот институтидан стратегик мақсадлар сари

2025 йил 16 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашуви бу форматдаги мулоқотларни тубдан янги босқичга олиб чиқди. Учрашувлар арафасида Президентимизнинг “Марказий Осиё янги давр остонаси-

да” сарлавҳали мақоласи эълон қилиниши мулоқотларга ўзига хос мазмун, кўтаринки руҳ ва кайфият бағишлади.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур мақоласи минтақавий тузилмадан глобал мулоқот институтига айланиб бораётган ташкилотнинг стратегик мақсадларини аниқ белгилаб берди.

Мақолада Марказий Осиёнинг умумий манзараси таҳлил ва аниқ статистик маълумотларга таянган ҳолда очиб берилгани, шунингдек, минтақанинг келгусида биргаликда тараққий этиш имкониятлари ҳақида сўз юритилгани аҳамиятлидир.

Ҳозирги геосиёсий беқарорлик шариоитида Марказий Осиёнинг иқтисодий ва транзит салоҳияти кўпгина давлатларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Ҳақиқатан ҳам, Марказий Осиё куруқлик йўллари-ни туташтирадиган минтақага айланмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг таклифи ва қардош давлатлар раҳбарларининг қўллаб-қувватлаши билан минтақавий мулоқотнинг маслаҳат шакли айнан Тошкентда “Марказий Осиё ҳам-жамияти”га айланди. Президентимиз томонидан ҳамкорликнинг институционал архитектурасини мустаҳкамлаш, яъни учрашувлар

форматини “Марказий Осиё ҳам-жамияти” стратегик платформасига айлантириш, Котибятни таъсис этиш, Оқсоқоллар кенгашини тузиш, миллий мувофиқлаштирувчилар мақоimini кўтариш таклифи қилингани муҳим аҳамият касб этди.

Маслаҳат учрашуви фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини таъминлашда унинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, ҳамкорликни институционал жиҳатдан расмийлаштириш бўйича қадамлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу борада 2023 йилда Душанбе шаҳрида ўтказилган бешинчи Маслаҳат учрашувини қайд этиш лозим.

Президентимиз мақоласида таъкидланганидек, мазкур учрашувда давлатлар раҳбарларининг келишувларини тайёрлаш ва амалга оширишнинг доимий механизми сифатида Миллий мувофиқлаштирувчилар кенгашини таъсис этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ушбу механизмнинг ишга туширилиши Маслаҳат учрашувлари форматига тизимли тус бериш ва биргаликда илгари сурилган ташаббусларни амалга оширишда изчилликни таъминлаш имконини берди. Шунингдек, парламентларо мулоқот ва Хавфсизлик кенгашлари котиблари даражасида мунтазам учрашувлар йўлга қўйилган.



Парламент дипломатияси

Ўзбекистон — Сингапур:

ЖАДАЛ РИВОЖЛАНАЁТГАН АЛОҚАЛАР ВА МУШТАРАК МАҚСАДЛАР

Жорий йилнинг 18 — 20 ноябрь кунлари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоилов бошчилигидаги парламент делегацияси Сингапур Республикасида расмий ташриф билан бўлди.

Сингапур Парламенти Спикери Сеа Киан Пенг билан ўтган учрашувда икки давлат парламентлари ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларининг ҳозирги ҳолати ва уни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Қонунчилик палатаси Спикери Сингапур томонига Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистонда иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар ва улارнинг натижалари, Қонунчилик палатасининг фаолияти ҳақида маълумотлар берди.



Сенаторлар — ҳудудларда

Ёшлар бандлиги, ерлардан фойдаланиш масалалари эътиборда

Олий Мажлис Сенати аъзолари ва маҳаллий Кенгаш депутатларидан иборат ишчи гуруҳ Самарқанд вилоятининг қатор ҳудудларида ўрганиш ишларини олиб бормоқда. Хусусан, Сенатнинг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси Баҳром Абдуллаев бошчилигидаги ишчи гуруҳ Самарқанд вилоятига ташриф доирасида Жомбой туманида қатор ўрганишларни амалга оширди.

Халқ депутатлари Жомбой тумани Кенгашининг фаолияти, депутатлар ва ходимлар учун яратилган замонавий шариоитлар, ахборот-коммуникация техно-

логиялари билан жиҳозланган хоналар, мурожаатлар билан ишлаш тизими ўрганилди.



«БИЗНИНГ КУЧИМИЗ – БИРЛИКДА, МУВАФФАҚИЯТ САРИ ЙЎЛИМИЗ – ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИКДА»

2022 йилда бўлиб ўтган Чўлпонота учрашуви якунлари бўйича суверен тенглик, ўзаро қўллаб-қувватлаш ва минтақа келажаги учун биргаликдаги масъулият тамойилларини ўзида акс эттирган ХХI асрда Марказий Осиёни ривожлантириш мақсадларида дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг имзоланиши шартномавий-ҳуқуқий базани янада мустаҳкамлашга хизмат қилди.

2024 йилда Остона саммитида қабул қилинган “Марказий Осиё — 2040” минтақавий кооперацияни ривожлантириш концепцияси муҳим дастурий ҳужжат бўлди. Унда минтақавий хавфсизлиқни таъминлаш ва мамлакатларимиз тараққиётига қаратилган ҳамкорлиқнинг узок мuddатли устувор йўналишлари мустаҳкамлаб қўйилди.

Давлатимиз раҳбарининг мақоласи халқро ҳамжамият томонидан ижобий баҳоланди. Сиёсатчилар, экспертлар, таҳлилчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Ташаббусларда ҳамкорлик масалалари устувор

Тошкент саммитида Озарбайжон Республикаси мулоқотларнинг тўла ҳуқуқли аъзоси сифатида қабул қилинди. Бу, албатта, жуда катта тарихий воқеаэир. Аввало, Озарбайжон халқини Марказий Осиё халқлари билан тарихий илдиэ мустаҳкам боғлаган. Озарбайжон Марказий Осиё давлатларининг халқаро миқёсдаги барча ташаббусини доимий равишда қўллаб-

Тарихий кадриятларни бирлаштирган марказ

Мулоқотларнинг яна бир тарихий аҳамияти давлатлар раҳбарларининг Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси марказига биргаликда ташриф буюрганида кўринди.

Бунда, албатта, халқларимизнинг ажралмас тарихий кадриятлари ва мустаҳкам асосга эга бўлган истикболининг руҳи сезилди. Зотан, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган ушбу марказ-

казга айланиб бораётгани ҳам алоҳида қайд этилди.

Ҳақиқатан ҳам, минтақанинг бой умумий меросини сақлаш ва унинг тарғиботи борасидаги Ўзбекистоннинг кенг қўламли саъй-ҳаракатлари эътирофга сазовор.

Парламент дипломатиясининг ўрни ва роли

Қонунчилик палатаси мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик ше-

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг таклифи ва қардош давлатлар раҳбарларининг қўллаб-қувватлаши билан минтақавий мулоқотнинг маслаҳат шакли айнан Тошкентда “Марказий Осиё ҳамжамияти”га айланди. Президентимиз томонидан ҳамкорликнинг институционал архитектурасини мустаҳкамлаш, яъни учрашувлар форматини “Марказий Осиё ҳамжамияти” стратегик платформасига айлантириш, Котибиятни таъсис этиш, Оқсоқоллар кенгашини тузиш, миллий мувофиқлаштирувчилар мақомини кўтариш таклиф қилингани муҳим аҳамият касб этди.

даги барча ёдгорликлар, жумладан, мусулмон оламининг ноёб дурдоналари қардош халқларимизнинг умумий тарихи ва тафаккурини ўзида муҳассам қилган.

Ушбу марказ ислон цивилизациясининг бебаҳо меросини асраб-авайлаш ва тарғиб этишга бағишланган ноёб манбаларни бир жойга жамлаган тарихимиздаги илк мажмуа сифатида минтақа етакчиларида катта таассурот қолдирди.

Ўзбекистон минтақанинг умумий масалаларини ҳал қиладиган мар-

риклиқни қўллаб-қувватлайди ҳамда ушбу форматнинг минтақавий барқарорлик, фаровонлик ва интеграциянинг янги босқичи бўлишига ишонади. Қўмиталарда, сиёсий партиялар фракцияларида ушбу муҳим тарихий воқеа кизгин муҳокама қилинди.

Албатта, саммитда илгари сурилган ташаббуслар ва эришилган келишувларни ҳаётга татбиқ этишда парламентлараро алоқалар ва халқ дипломатияси муҳим ўрин тутadi.

Шу ўринда айтиш жоизки, кейинги саккиз йилда Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари ва Озарбайжон парламентлари билан алоқалари динамикаси мунтазам ўсиб борди. Қонунчилик палатасининг қардош давлатлар парламентлари билан “дўстлик гуруҳ”ларининг вазифа ва ваколатлари янада кенгайтирилиб, уларнинг мақоми оширилди. Ўзаро самарали ташрифлар сони кўпаймоқда.

Шу йилнинг ўзида, жумладан, Қозғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Озарбайжон, Туркменистон парламентлари делегациялари билан бир неча марта мулоқотлар амалга оширилди. Халқаро майдонларда ҳамфикрлилик ва бир-бирини қўллаб-қувватлаш руҳи шаклланди.

Булardan кўзланган асосий муддао минтақада умумий мақсадларга хизмат қилувчи парламент дипломатияси маданиятини янада мустаҳкамлашдан иборат.

Президентимизнинг саммитда илгари сурган амалий ташаббуслари парламент фаолиятида ҳам қатор янги, долзарб йўналишларни очиб бермоқда. Эришилган келишувларни амалга оширишга қаратилган қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш асосий вазифамиздир.

Зеро, давлатимиз раҳбари саммитдаги нутқида алоҳида таъкидлаганидек, бизнинг кучимиз — бирлиқда, муваффақият сари йўлимиэ — дўстлик ва ҳамкорликда.

Ўзбекистон — Сингапур: жадал ривожланаётган алоқалар ва муштарак мақсадлар

Сингапур парламенти аъзолари Ўзбекистонда жуда катта ўзгаришларга, хусусан, Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида амалга оширилаётган тарихий ва изчил ислотларга гувоҳ бўлаётганини, сўнгги йилларда Ўзбекистон жадал ривожланиши, барча соҳада ижобий натижаларга эришаётганини қайд этар экан, қабул қилинаётган қонунларда халқро таъриба инобатга олингани ва улар халқ манфаатиға хизмат қиладиганини таъкидлади.

Ташриф давомида Ўзбекистон парламенти делегациясини Сингапур Республикаси Президенти Тарман Шанмугаратнам қабул қилди.

Сингапур Президенти Ўзбекистон келажаги ҳақида ижобий фикрлар билдириб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Сингапурга ҳамда собиқ Президент Халима Якубининг Ўзбекистонга ташрифлари икки томонлама алоқаларни жадаллаштиришга муҳим туртки бўлганини таъкидлади. Шунингдек, ўзаро келишувларнинг ҳаётга татбиқ этилаётганлигидан, парламентлараро алоқаларнинг мустаҳкамла-наётганлигидан мамнун эканини таъкидлади.

Ўзбекистон парламенти делегацияси Коррупциявий жиноятларни тергов қилиш бюроси раҳбари Винсент Ли билан учрашув ўтказди. Мулоқот давомида делегация аъзолари бюро фаолияти билан яқиндан танишди. Сингапур томони жамиятда коррупцияға мурасасизлик муносабатини шакллантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида маълумот бериб ўтди. Томонлар ҳамкорлиқнинг истикболлари ҳақида келишиб олди.

Ташриф давомида, шунингдек, Сингапурнинг Ўзбекистондаги Фавкулдада ва мухтор элчиси Зульфили бин Бахаруддин билан учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувлар самимий, очиқ ва дўстона руҳда ўтди.

«Халқ сўзи».

Ёшлар бандлиги, ерлардан фойдаланиш масалалари эътиборда

Бундан ташқари, ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида таълим муассасалари битирувчиларининг иш билан таъминланиши юзасидан Олий Мажлис Сенати Кенгашининг қарори ижроси кўриб чиқилди. Бандлиги таъминланмаган битирувчилар билан ишлашни жадаллаштириш бўйича тегишли тавсиялар берилди.

Ишчи гуруҳ 35-умумтаълим мактабида ҳам бўлиб, таълим сифати, яратилган шароитлар, фан лабораториялари, компьютер синфлари, кутубхона, спорт майдони ва мактаб ошхонасининг санитария ҳолати ўрганилди.

Шунингдек, ўқитувчиларнинг дарс жараёнини ташкил этиш имкониятлари ва ўқувчиларнинг зарур жиҳозлар билан таъминланганлик даражаси баҳоланди. Мактаб раҳбарияти билан учрашувда таълим сифати, давомати, мавжуд муаммолар ва уларни бартариф этиш бўйича таклифлар ҳам муҳокама қилинди.

Шунингдек, Сенатнинг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология кўмитаси раиси Анвар Тўйчиев бошчилигидаги ишчи гуруҳ томонидан Самарқанд вилоятида қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги ислотларни самарали ташкил этиш, ер майдонларидан унумли фойдаланиш, яйлов ва ўрмон фондларида озсуқабон эканлар етиштириш ҳамда қорвачилиқни ривожлантириш борасида амалга

оширилаётган ишлар ҳолати ўрганилди.

Вилоят ҳўкимлигида соҳа мутахассислари билан ўтказилган мулоқотда ер майдонларини фойдаланишга қиритиш, яйловлар билан боғлиқ муаммолар ва уларни ҳал этиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳамда соҳаға оид янги қабул қилинган норматив-ҳўқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти хусусида маълумотлар берилди.

Шунингдек, ишчи гуруҳ аъзолари сўт йўналишиға иختисослаштирилган “PUREMILKY PRODUCTS” фермер ҳўжа-лигида бўлди. Ушбу фермер ҳўжалигида ҳозирги кунда 3 600 бош қорамол боқилмоқда, шундан 1500 бош соғим си-гирлардир. Улардан ўртача бир кунлик соғиладиган сўт ҳажми 46 тоннадан зиё-ёдни ташкил этади.

Бу ерда қорва боқиш шароитлари, озсуқа тайёрлаш жараёни ва озиқлантириш тизими, замонавий технологиялар, соғиш ускуналари ҳамда қорва саломатлигини назорат қилиш бўйича амалда қўлланилаётган механизмларға эътибор қаратилди.

Ишчи гуруҳ томонидан масъулларға қорвачилиқ маҳсулотлари, сўт ва гўшт етиштириш ҳажмини ошириш, уларни бозорға етказиш жараёни, ветеринария хизматлари билан ҳамкорлик, мавжуд муаммолар ва уларни бартариф этиш бўйича тегишли тавсиялар берилди.

ЖАМИЯТ ВА МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИ ҚОНУН УСТУВОРЛИГИГА БОҒЛИҚ

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмитаси раиси ўринбосари Орал Атанязова Қорақалпоғистон Республикасининг Кўнғирот туманида бўлиб, туман Кенгаши депутатлари билан учрашув ўтказди.

Мулоқотда Сенатнинг ўн биринчи ялпи мажлисида муҳокама қилинган ва маъқулланган қонунлар юзасидан тушуни-тиришлар берилди. Таъкидланганидек, жамият тараққиёти ва мамлакат ривожини қонун устуворлигини таъминлаш билан чамбарчас боғлиқ. Шунингдек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, иқтисодий барқарорлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш ва ёш авлод таълим-тарбиясиға эътибор қаратиш ҳам муҳим вазифа экани қайд этилди.

Шу билан бирга, Қўнғирот тумани кўп тармокчи марказий шифохонаси поли-клиникасида врачлар, ҳамширалар ва бе-морлар иштирокида кўркак беэи ҳамда бачадон бўйни саратонининг олдини олиш масалаларига бағишланган ўрғани-иш ўтказилди.

Бундан ташқари, сенатор Орал Ата-нязова ҳамда Қорақалпоғистон Республи-

каси олий таълим, фан ва инновациялар ваэири Аманжол Аяпов раҳбарлигида ўтказилган йиғилишда ёшларнинг банд-лигини таъминлаш, талаба-ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш, уларни ишға жой-лаштириш ҳамда битирувчиларни барқа-рор иш ўринлари билан таъминлаш ма-салалари атрофилақа муҳокама этилди.

Дарҳақиқат, олий таълимнинг асосий мақсади — Янги Ўзбекистон ва Қора-қалпоғистон учун етук кадрлар тайёр-лаш, уларға назарий ва амалий билим-лар бериш, шу билан бирга, жамиятда ўз ўрнини топиши ва танлаган мутахас-сислик йўналиши бўйича бандлигини таъминлашдан иборат. Шунинг учун ҳам ёшларни ишға жойлаштириш ва улар-нинг ижтимоий фаолигини ошириш дав-лат сиёсатидаги устувор йўналишлардан бири ҳисобланади.

«Халқ сўзи».

Мулоҳаза

ИРСИЯТДА ИЛДИЗ ОТГАН ХАСТАЛИКЛАР

Сўнгги йилларда мамлакатимизда оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш бўйича қатор мақсадли миллий дастурлар амалға ошириб келинмоқда. Жумладан, болаларнинг ирсий ва туғма касалликлар билан туғилишининг олдини олиш, кам учрайдиган (орфан) бошқа ирсий-генетик касалликларға чалинган болаларға ўз вақтида ташхис қўйиш, даволаш ва ижтимоий ёрдам кўрсатишға қаратилган тизимли чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Жумладан, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида ҳам болалар саломатлигиға оид алоҳида мақсадлар бел-гиланган. Чақалоқларда ирсий касал-ликлар бўйича селектив скрининг те-кширувлар қамровини қамида 50 фо-изға ошириш, 2030 йилға қадар ҳомилдорлик аниқланган вақтдан бошлаб туғуруқдан сўнғ 42 кун ичи-да аёллар, гўдаклар ва беш ёшгача болалар орасидаги ўлимни 2 баро-барға қамайитириш юзасидан муҳим амалий ишлар шулар жумласидан.

Кейинги йилларда ташхиси ва да-волаш учун алоҳида эътибор қарати-лаётган хасталиклар турига орфан касаллиқларни ҳам қиритиш мумкин. Бу ноёб касаллик ҳисобланиб, ҳаёт учун хавфли ва сурункали ривожла-нади. Кўп ҳолларда генетик ўзгариш-лар ёки ирсий омиллар сабабли ке-либ чиқади.

Орфан касалликлар — жуда кам учрайдиган, аҳолининг кичик бир қисмида кузатиладиган хасталиклар бўлиб, уларға чалинган беморлар сони жуда қамлиги сабабли тадқи-қот, диагностика ва даволаш имко-ниятлари ҳам чекланган. “Орфан” сўэи ҳам инглизча бўлиб, “етим”, “эътибордан четда қолган” деган маъноларни англатади.

Одатда 10 000 одамға 1 та ёки ундан ҳам кам ҳолатда учрайди. Кўпинча ирсий ва катта қисми ге-нетик мутациялар билан боғлиқ. Симптомлари ноодатий бўлгани учун тўғри ташхис қўйиш кўп вақт талаб қилады.

Маълумки, ҳужайралардаги ДНК молекулаларида ахборот бирликлари бўлиб, генетик тузилишға қараб қўйлаб хусусиятлар ва касалликлар ген орқали авлоддан-авлодға ўтади. Яъни ирсий-генетик касаллиқларни юзаға келтириши мумкин.

Ирсий касалликлар генетик струк-тура (ирсий ахборотнинг бузилиши натижасида келиб чиқадиغان ва кўпинча ота-онадан авлодға мерос бўлиб ўтадиغان хасталиклардир. Асо-сан, хромосомалар ёки генлардаги мутациялар туфайли битта ген ёки бир нечта “бузилган” генларнинг ўзаро таъсири натижасида пайдо бўлады. Мутациялар таққи муҳит омиллари (ионлаштирувчи нурлар, айрим биологик фаол қимёвий би-риқмалар) ҳамда ички заҳарланиш-

бугунги кунда орфан дори воситалари ҳамда орфан касалликларға таш-хис қўйишда ва уларни даволашда қўлланиладиган тиббий буюмларни давлат рўйхатидан ўтказмасдан им-порт қилиш амалиёти йўлга қўйил-ган. Бу зарур дори воситалари ва тиббий буюмларни мамлакатимизға олиб киришни тезлаштириш орқали мазкур касаллиқларни барвақт аниқ-лаш ва ўз вақтида даво чораларини бошлаш имконини бермоқда.

Президентимизнинг 2019 йилдаги “Кам учрайдиган (орфан) ва бошқа ирсий-генетик касалликларға чалин-ган болаларға тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатишни янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қаро-риға асосан кам учрайдиган (орфан) ва бошқа ирсий-генетик касалликлар-ға чалинган беморларнинг Миллий регистри ташкил этилди, бундай ка-салликлар бўйича ташхис қўйиш, да-волаш стандартлари ҳамда клиник протоколлари тасдиқланиб, уларға тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатили-ши кенгайтирилди.

Бугунги кунға қадар мамлакатимизда 5 турда-ги орфан ва ирсий-гене-тик касалликларға чалин-ган жами 2174 нафар бола Давлат бюджетни маблаг-лари ҳисобидан беулуд диагностика, дори восита-лари ва махсус шифобахш озик-овқат билан таъмин-лаб келинган.

Шунға қарамай ушбу турдаги касалликлар диагностикаси сифати яхшиланиши натижасида орфан ва ирсий-генетик касаллиқларнинг янги турлари аниқланмоқда ҳамда даволанишға мухтож бо-лалар сони ортиб бор-моқда.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 3 ноябрдаги “2026 — 2030 йил-ларда кам учрайдиган (орфан) ва бошқа ирсий-генетик касалликларға чалинган болаларға тиббий ва ижти-моий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори ор-фан ва ирсий-генетик касалликлар диагностикаси беморларни беулуд да-волаш билан қамраб олиш даражаси янада ошишда муҳим дастуруламал бўлады, десак, тўғри бўлады.

Ушбу қарорға асосан 2026 — 2030 йилларда Ўзбекистонда кам уч-райдиган ирсий-генетик касаллиқлар-ға чалинган болаларни диагностика, даволаш ва ижтимоий қўллаб-қувват-лаш бўйича махсус дастур амалға оширилди. Унинг доирасида беулуд даволанадиган беморлар сони кўпаяди, дори воситалари ва тиббий

жиҳозлар билан таъминлаш даража-си эса 99 фоизға етказилади.

Эндиликда даволаниши давлат ҳисобидан қамраб олинадиган ка-салликлар сони 5 тадан 10 таға кен-гайтирилиб, беморлар Давлат бюд-жети ва грант маблағлари ҳисоби-дан беулуд дори воситалари, махсус озик-овқатлар ҳамда тиббий жиҳоз-лар билан таъминланади.

Шунингдек, ёш чегараси узайти-рилиб, 2026 йилдан бошлаб ушбу турдаги касаллиқларға чалинган болалар билан бир қаторда 18 дан 21 ёшгача бўлган (21 ёш ҳам қира-ди) беморлар ҳам Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан беулуд тиббий кузатувда бўлады ва даволаниш иш-лари давом эттирилади.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, Ўзе-кистонда илк бор ўтказилган гене-тик тадқиқотлар давомида болалар-нинг маълум қисмида ирсий ўзгариш-лар қайд этилган ва бунинг асосий омилни сифатида айрим ҳудудларда қариндошлар ўртасидаги никоҳлар улушининг юқорилиги келтирилган. Чунки никоҳланувчиларнинг аждодла-ри умумий бўлиб, бунда патологик ўзгарган генларнинг учраши ёки наслға узатиш аҳтимоли ортади.

Демак, никоҳланувчи шахслар-нинг молекулар-генетик тестдан ўтиши, ҳомилдор аёллар скрининг текширувларидан вақтида ўтиб бо-риши, ноқулай ирсий тарихға эга оилаларда дунёға келган чақалоқ-ларнинг мақсади равишида ирсий-генетик текширувлардан ўтказили-ши ва энг муҳими яқин қариндош-лар ўртасидаги никоҳларға йўл қўймаслик жуда муҳим.

Миллий тиббиётимиз генетик, жумладан, кам учрайдиган (орфан) ва бошқа ирсий-генетик касаллик-ларни ривожланмасидан олдин эрта аниқлаш ва олдини олиш, оилалар-да соғлом муҳитни шакллантириш, энг асосийси, халқимиз орасида “ге-нетик юклама”ни қамайитириш, ка-салликка чалинган болалар сало-матлигини муҳофаза қилиш ва тик-лашға қаратилган барча чораларни кўрмоқда.

Мамлакатимизда соғлом авлодни тарбиялаш, инсонпарварлик ва иж-тимоий адолат тамойилларини амал-да рўёбға чиқариш йўлидаги бундай саъй-ҳаракатларнинг муваффақияти фақат келахак авлодлар саломатли-гини эмас, балки бутун жамиятнинг ривожланишини ҳам белгилайди. Чунки ҳар бир кўтакчилар ҳаёт на-фақат тиббиётнинг ғалабаси, балки бутун миллатнинг соғлом ва барқа-рор келахакни таъминлаш йўлида-ги катта ютқдир.

Зумрад БЕКАТОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ КОНЦЕПЦИЯСИ МУҲОКАМАСИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий масалалар кўмитаси томонидан “2026 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Унда халқ вакиллари қонун лойиҳасини концептуал жиҳатдан батафсил муҳокама қилиб, унинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Регламентига ҳамда Бюджет кодекси талабларига мувофиқ киритилганлигига алоҳида эътибор қаратди.

Лойиҳада Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджет, жумладан, Давлат бюджет, давлат мақсадли жамғармалари ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари, Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг параметрлари, шунингдек, давлат қарзининг ва давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг ҳамда консолидациялашган бюджет тақчиллиги чекланган ҳажмларининг белгиланганини эътироф этди.

Бундан ташқари, депутатлар Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджети даромадлари ва харажатлари ҳамда узоқ муддатли фискал мақсадлар, уларга эришиш учун солиқ ва бюджет сиёсатининг ўрта муддатдаги кўрсаткичлари бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини, тақлифларини билдирди.

Депутатларнинг фикрича, лойиҳада кўзда тутилган солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари жамият ривожланишига, тадбиркорлик субъектлари сонининг янада ошишига хизмат қилади.

Лойиҳа концепцияси муҳокамасига бағишланган кўмита йиғилишлари давом этмоқда.

КУН ТАРТИБИДА — МАДАНИЯТ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари кўмитаси томонидан жойларда мавжуд давлат маданият муассасалари, уларнинг эксплуатация ҳолати, соҳага оид қонунчилик ҳужжатлари ижросини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳолатини Самарқанд вилояти мисолида назорат-таҳлил тартибида ўрганиш ақунларига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Унда депутатлар, Маданият вазирлиги ва унинг Самарқанд вилояти бошқармаси, Самарқанд вилояти ҳокимлиги, Парламент тадқиқотлари институти ходимлари ҳамда Ёшлар парламенти аъзолари қатнашди.

Мамлакатимизда маданий фаолият соҳасига оид муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий база доимий тақомиллаштириб боришмоқда. Хусусан, “Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши маданий ташкилотлари фаолияти соҳасидаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш, жамият ҳаётидаги ўрнини яхшилаш ва уни халқаро ҳамжамият билан уйғунлашган ҳолда олиб боришга кенг имкониятлар яратди.

Йиғилишда айтилганидек, Самарқанд вилоятида маданият ва санъат йўналишини янада ривожлантириш, соҳа вакилларини қўллаб-қувватлаш борасида қатор ижобий ишлар амалга оширилган. Давлатимиз раҳбарининг “Аҳолига маданий хизмат кўрсатиш даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг тўққиз ойи давомида давлат театрларида 815 та спектакль сеанслари ўтказилган.

Шунингдек, театрлар томонидан 8 та хорижий, 14 та маҳаллий гастроль сафари ташкил этилган. Болалар мусика ва санъат мактаблари 5 турдаги (қашқар рубоби, дутор, доира, най, ғижжак) 311 та миллий мусиқа чоғулари тўплами билан таъминланган. 2024-2025 йилларда 14 та туман ва шаҳарда 1 тадан намунали маданият маркази ташкил этилган.

Муҳокамалар давомида депутатлар соҳада эришилган ютуқлар билан бирга, ўрганишлар давомида айрим камчиликлар кузатилганини айтишди. Жумладан, жойларда мавжуд давлат маданий муассасалари, уларнинг эксплуатация ҳолатини яхшилашга қаратилган ишларни жадаллаштириш бўйича тақлифлар берди. Шу билан бирга, жойларда маданий фаолият соҳасига оид муносабатларни янада тартибга солиш мақсадида “Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида”ги Қонунга тегишли ўзгартiriш ва қўшимчалар киритишга қаратилган қатор тақлифлар билдирилди.

Йиғилишда вазирлик ва идораларнинг ҳисоботларини мунтазам муҳокама қилиб бориш, фаолият самарадорлигини баҳолаш ҳамда камчиликларни ижобий ҳал этиш бўйича зарур чоралар қўриш юзасидан вази́фалар белгилаб олинди.

«Халқ сўзи».

Камбағалликни қисқартириш:

ПУЛ ЭМАС, АҚЛ-ИДРОК ВА БИЛИМ МУҲИМ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 19 ноябрь куни камбағалликни қисқартириш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишлар сарҳисоби ва келгуси йил учун устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида таъкидланганидек, камбағаллик фақат даромади паст оилаларнинг эмас, балки шу ҳудудда яшаётган ўзига тўқ аҳолининг ҳам умумий ташвиши ҳисобланади.

Нуктаи назар

Камбағал оилалар қамайиб, фаровонлик сари биргаликда дадил қадам ташланса, бу жамият тараққиёти ва аҳоли манфаати учун муҳим аҳамият касб этади. Қайси мамлакатда илму маърифатга, маданиятга, фан ва таълимга эътибор юқори бўлса, ўша жойда тараққиёт юз беради, бадавлат оилалар кўпаяди. Чунки илмли одам ишли бўлади, ишли одам эса даромадлидир.

Бинобарин, мамлакатимизда камбағаллик тушунчаси узоқ йиллар расийи давраларда тилга олинмади. “Эҳтиёжманд оилалар”, “кам таъминланган”, “боқувчисини йўқотган” каби иборалар орқали ифодалаб келинди. Бироқ вазият ўзгаргани йўқ. Касални иситмаси ошқор қилаверди.

Президент Шавкат Мирзиёев илк бор юқори минбардан бу масалага алоҳида тўхталиб, уни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни белгилаб берди. Бугун эса “камбағалликни қисқартириш” тушунчаси халқ орасида кенг тарқалиб, умумхалқ ҳаракатига айланди. Давлатимиз раҳбари ҳар бир оиланинг, ҳар бир фуқаронинг ҳаётини тубдан ўзгартiriш, инсон қадри ва фаровонлигини ошириш энг муҳим вазифа эканини бот-бот таъкидлаб келмоқда. Бунинг самараси ўларок, мамлакатимизда камбағаллик даражаси 2020 йилда 23 фоиздан 2024 йилга келиб 8,9 фоизга, 2025 йил якунида эса 6 фоизга тушиши кутилмоқда.

Бугун дунёда рўй бераётган мураккаб ва таҳликали вазиятга қарамай, мамлакатимизда камбағалликка қарши кураш давлат сиёсати даражасига олиб чиқилиб, умуммиллий ҳаракатга айланди. Амалга оширилаётган барча ислохотлар негизда “Инсон қадри учун” тамойили ўз ифодасини топмоқда. Ўтган тўққиз йилга назар ташлар эканмиз, одамлар-

нинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларни муносиб иш жойи билан таъминлаш, даромадини ошириш, турмуш шароитини яхшилашга қаратилган ишлар устуворлик касб этаётди.

Айниқса, маҳаллаларда иш қўлами жуда кенг. Барча сайёҳаракатлар оилалар даромадини ошириш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилмоқда. Эътиборли жиҳати, маҳаллабай ишлаш тизимига ўтилгач, бирорта ҳам оиланинг эътибордан четда қолмаслиги таъминланди. 9 мингдан ортик маҳаллаларда “маҳалла еттилик” ташкил этилгани боис аҳоли ва раҳбарлар ўртасидаги мулоқот енгиллашди. Ҳар бир маҳаллада туман ҳокимининг вакили — ҳоким ёрдамчилари фаолият олиб бораётгани ҳам ислохотлар шиддатини янада оширди.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида маҳалла тизимидаги ислохотларни янги босқичга олиб чиқиш ҳамда жойларда ишларни самарали ташкил этиш масалалари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида маҳаллада “еттилик” тизими жорий қилиниб, кредит, субсидия, компенсация, моддий ёрдам ажратиш каби 100 дан зиёд хизматлар маҳалла даражасига туширилгани ҳисобига 7,5 миллион фуқаро камбағалликдан чиқарилгани, ишсизлик даражаси 2 баробар қисқаргани, 3,5 минг маҳалла қиёфаси замонавий ва кўркем қўринишга эга бўлгани айтиб ўтилди.

Дарҳақиқат, ҳар бир имкониятни лойиҳага айлантириб, иш ўрни яратиш учун маҳаллаларга соҳа мутасаддилари масъул қилинди, инфратузилмага ҳам алоҳида маблағ ажратилляпти. Яратилган имкониятлар ҳисобига 7 мингта маҳалла мева-сабзавот, гулчилик, асаларичилик, тикувчилик, мебелсозлик, сав-

до ва сервис каби 15 та йўналишга ихтисослаштирилди. 3 минг 326 та маҳалладаги 50 фоиз хонадон бу тизим билан қамраб олингани натижа-сида 1,5 миллион оила даромадли бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 80-юбилей сессиясида сўзлаган нутқига сўнгги йилларда Ўзбекистонда камбағаллик даражаси 35 фоиздан 6,6 фоизга қисқартирилгани алоҳида таъкидланди. Бунга, аввало, таълим ва илм-фан соҳасини ўзгартiriш, инновацион тармоқлар ва

“Кулай ишбилармонлик муҳити ҳисобига ўтган саккиз йилда 700 минг тадбиркор ўзининг барқарор бизнесига эга бўлди. Эътиборлиси, давлат бизнесга шароит яратиб беряпти, тадбиркорлар эса ўзига ижтимоий масъулият олиб, эҳтиёжманд аҳолини ишли ва даромадли қилишда кўмак бўлмоқда.”

технологик саноат корхоналарини барпо этиш, “яшил” энергетика ва транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш, кичик бизнесни ҳар томонлама ривожлантириш ва натижада миллионлаб иш ўринлари яратиш орқали эришилгани айтилди.

Мамлакатимизда еттига устувор йўналишни ўз ичига олган “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури фаол амалга оширилмоқда. Бунда камбағал аҳолини фақат ишга жойлаштириш билан муаммо ечилмайди. Балки барқарор иш ўринлари, одамлар мунтазам даромадга эга бўлиши учун шароит яратилмоқда.

Кулай ишбилармонлик муҳити ҳисобига ўтган саккиз йилда 700 минг тадбиркор ўзининг барқарор бизнесига эга бўлди. Эътиборлиси, давлат бизнесга шароит яратиб беряпти, тадбир-

корлар эса ўзига ижтимоий масъулият олиб, эҳтиёжманд аҳолини ишли ва даромадли қилишда кўмак бўлмоқда. Бунинг самараси ўларок, шу йилнинг ўзида 270 мингдан зиёд камбағал оилалар аъзолари доимий иш билан таъминланди.

Мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш, аҳоли даромадларини кўпайтириш бўйича халқаро ташкилотлар ва нуфузли молия институтлари фаол иш олиб боришмоқда. Бу борада Ислом тараққиёт банки билан ҳамкорликда қишлоқларда яшаш шароитини яхшилаш, йўл қурилиши, тиббиёт ва таълим хизматларини кенгайтириш бўйича 5 миллиард долларлик лойиҳалар тузилгани аҳамиятга молик.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлики, камбағал оилалар реестрининг жорий қилиниши мазкур оилалар билан манзилли ишлаш имкониятини бермоқда. Бу эса мазкур аҳоли қатламини ижтимоий-иқтисодий йўналишда қўллаб-қувватлаш чораларини қўриш ва имтиёзлар яратишда қўл келяпти.

Жорий йилнинг 9 ойида “Индивидуал режалар” асосида 446 мингта оилага камбағалликдан чиқаришга қаратилган 755 мингта хизмат кўрсатилди. Бунда улар доимий ишга жойлаштирилди, тадбиркорликка жалб қилинди ва касб-хунарга ўқитилди. Натижада 311 мингта оила ёки 1,3 млн. нафар аҳолининг расмий даромади ва моддий-мулкий аҳоли яхшиланиб, улар камбағалликдан чиқарилди.

Оилаларни камбағалликдан чиқаришда уларнинг меҳнатга лаёқатли аъзоларининг даромадли иш билан таъминлаш муҳим

Юртимиздаги қўллаб камбағал оила аъзолари даромадли иш билан банд қилиниб, қўли пул кўрмоқда, дастурхонига файз, рўзғорига барака кирмоқда. Бу қут-барака янада унумлироқ ишлашга, фаровонлик сари интилишга чорляпти. Мамлакатимизда кечаётган кенг қўламини ислохотлардан қўзланган асосий мақсад ҳам аслида инсон қадрини ошириш, аҳолининг ҳаётида рози бўлиб яшашига эришишга қаратилган. Зеро, Ўзбекистонда жорий этилган камбағалликдан пул билан эмас, балки ақл-идрок, билим ва салоҳият билан чиқиш тамойили ҳар жиҳатдан ўзини оқлатмоқда.

Марат ЖўРАЕВ, Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг биринчи ўринбосари.

БАРАКАСИ БЕЎЎС ТАРМОҚ

Кунлар совий бошлади, тоғларда қор, боғлару даладарда унинг учқуни. Мана шундай кунларда иссиқ кийинган, овқатланишга жиддий эътибор қаратган киши соғлигида муаммога дуч келмайди. Шифокорларнинг айтишича бедана гўшти ва туҳумининг дастурхонда мунтазам бўлиши кони фойда. Айниқса, болалар ва ўсмирлар учун. Давлатимиз раҳбарининг аграр соҳа ривожига катта эътибор бераётгани, солиқ имтиёзларию субсидиялар беданачиликни ҳам янада ривожлантиришга туртки бўлмоқда.

Ташаббус

— Жуссаси кичкина деманг, бонкинг, ишни тўри ташкил этсангиз ва кўпроқ маҳсулот ололсангиз, гўшти ва туҳумини қаерга сотсам экан, деб юрмайсиз, харидорларнинг ўзи оstonангизга келади, — дейди Наманган туманида жойлашган “Шифобахш бедана туҳумлари” корхонаси иш бошқарувчи-



си Акрам Турғунов. — Шу иш билан шуғулланаётганимизга 25 йилдан ошди. Ўтган йиллар давомида туркиялик ҳамкорларимиз билан биргаликда ишладик ва беданалар бош сонини 120 мингдан оширдик. Туҳум ва гўштни ички бозорга ҳам, экспортга ҳам жўнатармиз.

Акрам Турғуновнинг сўзларига қараганда, саноат асосида боқиландиган жониворларнинг янги ва маҳаллий зотларини яратиш масаласига олимларимиз жиддий эътибор

қаратиши керак. Чунки истаймизми, йўқми, юртимизда экологик вазият мураккаблашмоқда. Шаҳарлар ҳавосининг нечоғли ёмонлиги барчамизга маълум. Бу ўз-ўзидан аҳоли саломатлигига, болаларнинг нафақат жисмоний, балки ақлий ривожланишига ҳам салбий таъсир кўрсатяпти. Минг дардга шифо бедана маҳсулотлари мана шундай мураккаб иқлим шароитида ҳар бир оила учун саломатликни сақлашда то маънода нажот манбаи бўлиши мумкин.

— Табиат қўйнида бедана, асосан, ўсимлик уруғи ва барглари, баъзан ҳашаротлар билан овқатланади. У ер устида кичик хас-чўпли жойларга уя қуриб, 9 — 20 тагача туҳум қўяди ва улардан 15 — 17 кунда жўжалар чиқади, — дейди Акрам Турғунов. — Албатта, йирик фермада бедана боқишга киришган тадбиркор, аввало, жониворнинг маҳаллий шароитга мос ва зотли бўлишига эътибор қаратади. Туҳум берувчи зотлар бир йилда 250 — 300 та туҳум беради, туҳум оғирлиги 10 — 14 грамм, айрим махсус зотларда гўшти 250 граммгача етиши мумкин.

Тадбиркорнинг айтишича, камбағал ва иқтисоди ночор оилага жо-

ниворлар тарқатишдан аввал ўша кишиларнинг чорвадан, паррандачиликдан хабари борми, озуқани қаерда етиштириб, қай тартибда сақлайди, энг муҳими, ховлисида жонивор боқишга қизиқиши борми, йўқми, шуни аниқлаш керак. “Мана сенга мол ё товуқ ёки бедана, боқавер”, деган билан иш битмайди. Парварिश дегани тилиннг учиди иш эмас, бунинг ортида машаққатли меҳнат ва билим, малака ётибди. Агар инсонда жониворга меҳр уйғонмаса, камбағал оила қаддини кўтариб меҳнат қилишни истамаса, хайри ишлар қутилганидек натижа бермайди. Қолаверса, “Қўлдан берганга қуш тўймайди”, “Сендан ҳаракат — мендан барака” деган гаплар ҳам бор. Шу сабабли ишбилармон киши олдин вазиятни, одамларнинг феъл-атворини ўрганади, сўнг кооперация асосида ишлашга киришади.

— Яна бир муҳим гапни айти: ҳақиқий ва давомли бизнес айдовни ёқтирмайди, — дейди Акрам Турғунов. — Бир сафар ишга ёлгон аралашдим, тамом, муносабатларга дарз кетади. Шу боис оилавий корхонамизда барча вазифалар адолатли тақсимланган, баҳонаю дангасаликка асло ўрин йўқ. Агар беданачиликка қўл урмайди қўлаётган ёшлар бўлса, марҳамат, қишлоғимизга келсин, ўргатамиз.

Унчалик катта бўлмаган ҳудудда туҳум йўналишидаги беданалар боқиш орқали юзлаб оилалар рўзғорига қут-барака киритаётган Акрам Турғуновнинг эътироф этишича, “Шифобахш бедана туҳумлари” бугун миллий брендга айланиб улғурди ва ўз маҳсулотларини қўшни давлатлардан ташқари яна бешта мамлакатга экспорт қилишни қўзляпти. Ишлаб чиқариш ҳажми ва маҳсулотлар сифати бунга изн беради. Тадбиркор маҳсулотлар савдосида ақиндан кўмакчи бўлаётганлардан миннатдор эканини алоҳида таъкидлади.

Абдунаби АЛИҚУЛОВ («Халқ сўзи»).

Бунёдкорлик

АСАКАДА ЯНГИ ЗАВОД ҚУРИЛМОҚДА

Асака туманида хорижий сармояларни жалб этиш ва маҳаллий саноатни ривожлантириш борасида янги лойиҳалар амалга оширилмоқда. Хитойлик инвесторлар иштирокида трансформатор ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган замонавий завод қурилиши бошлангани ҳам шундан далолат беради.



Ушбу лойиҳа қиймати 10 миллион АҚШ долларини ташкил қилади. Бу ташаббус маҳаллий хомашёдан самарали фойдаланиш, юқори технологияларни жорий этиш ҳамда туман саноати салоҳиятини янада юксалтиришга хизмат қилади.

— Янги ишлаб чиқариш қуввати фаолият бошлаши билан 50 нафардан ортик аҳоли доимий иш ўрнига эга бўлади, — дейди туман ҳокимлиги масъул ходими Ҳамидилло Исроилов. — Бу эса нафақат бандлик даражасини ошириш, балки аҳолининг даромадини кўпайтириш орқали туман иқтисодиётига янги суръат бағишлайди. Шу билан бирга, замонавий ишлаб чиқариш технологияларини ўзлаштириш ёш мутахассислар учун ҳам қимматли тажриба мактаби вазифасини ўтайди.

Инвесторлар томонидан бу борадаги ишлар билан чекланиб қолинмаслиги ҳам диққатга сазовор. Улар 2026 йилдан бошлаб автокар, металлоконструкция ҳамда пойабзал ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган қўшимча заводлар қурилишини режалаштирган. Ушбу йўналишдаги изчил ҳамкорлик ва ишончли муҳит Асакани вилоятдаги йирик саноат марказларидан бирига айлантириш йўлида муҳим қадам бўлади.

Саминжон ҲУСАНОВ («Халқ сўзи»).

2026 йил 1 февралдан Камбағал оилалар реестрига киритилган оилалардаги ёшлар учун сафарбарлик чақирувни резервидаги ҳарбий хизматни бепул ўташ тартиби жорий этилади.

ХАЛҚЛАРНИ БИРЛАШТИРГАН МАДАНИЙ МЕРОС



Азалдан турли цивилизациялар чорраҳаси бўлиб келган Марказий Осиё минтақаси бой ва қўп қиррали маданий-маърифий мероси билан жаҳон ҳамжамиятида алоҳида ўрин тутди. Асрлар давомида бу ҳудудда йирик империялар, ҳавас қилса аргизулик шаҳарлар ва бебаҳо меъморий обидалар вужудга келган. Қадимдан умумий маданий ва илмий тамаддун шаклланган бу заминда яшаган халқлар ўзаро алоқа, илм ва тажриба алмашинуви орқали улкан тараққиётга эришган. Минтақадаги ҳамжиҳатлик бир неча тарихий даврларда, айниқса, ёрқин намоён бўлган.

Акс садо

Ана шу даврларда буюк аждодларимиз томонидан яратилган тенгсиз маданий мерос намуналари инсоният тарихида ўчмас из қолдирди. Бугунги глобаллашув жараёнлари кучайган бир шароитда минтақа мамлакатларининг бирдамлиги, умумий маданий-маърифий аъёналарини тиклаш ва келажақ авлодларга етказиш, шунингдек, биргаликдаги тараққиёт йўлларини белгилаш борган сари долзарб аҳамият касб этмоқда.

Президентимиз “Марказий Осиё ёнги давр остонасида” сарлавҳали мақоласида таъкидлаганидек, “Бугун биз чинакам бирдамлик босқичига ўтгалимиз. Бизнинг минтақамизда узоқ йиллар давомида илк бор биргаликда олинган қарар боришимиз учун пойдевор бўлиб хизмат қилаётган ўзаро ишонч, яхши қўшничилик ва ҳурмат муҳити шаклланиб кетди. Бу — ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолган жараён эмас, балки умумий тақдири ва биргаликда тараққиёт этиш салоҳиятини англаб етган мамлакатларимиз етакчиларининг аниқ мақсадга қаратилган саъй-ҳаракатлари ва сиёсий иродаси натижасидир”.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашуви арафасида, 13 — 15 ноябрь кунлари “Марказий Осиё: умумий маданий-маърифий мерос, умумий келажақ” халқаро конгрессининг ўтказилгани ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва келажақ авлодлар учун барқарор ривожланишга эришиш йўлида қўйилган муҳим қадамдир.

Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказида ташкил этилган мазкур йирик анжуманда мамлакатимиздан, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистондан юзлаб илм-фан, таълим, маданият, дин, адабиёт ва санъат намоёндалари қатнашди. Уч кун давомида 30 дан ортиқ тадбирлар, учрашувлар, давра суҳбатлари, шубҳа йиғилишлари, кўргазмалар, намоёишлар, тақдиротлар ўтказилди.

Анжуман аввалида меҳмонлар давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бунёд этилган Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази экспозициялари билан танишиб чиқилди. Шундан сўнг Президенти-

миз Шавкат Мирзиёевнинг форум иштирокчиларига табриги ўқиб эшиттирилди.

Конгресс халқаро ташкилотлар, дипломатик корпус, илмий ва маданий муассасалар вакилларини, шунингдек, Марказий Осиё мамлакатлари ҳамда Озарбайжондан келган олимлар ва санъат арбобларини бирлаштирди. Мулоқотлар жараёнида ахиллик ва иноқлик, ўзаро меҳр-оқибат каби қадриятлар ушбу бир-бирига қардош миллатларнинг қон-қонига сингиб кетгани кўзга яққол ташланиб турди. Шунинг таъкидлаш лозимки, мамлакатларимизнинг тарихи, тили, аъёналари бир-бирига жуда яқин бўлиб, ўзаро ҳамкорлик умумий маданий идентификацияни мустаҳкамлайди, бир-бирини тушунишни оsonлаштиради, минтақанинг ташқи таъсирларга чидамлилигини оширади.

Анжуманнинг ялпи йиғилишлари-

да давлат идоралари, илмий муассасалар ва маданият арбоблари ўртасида мулоқотлар ташкил этилди. Уларда умумий тарихий меросни асраш, замонавий ҳамкорлик шаклларини излаш, маънавият гоёларини мустаҳкамлаш, ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш масалалари муҳокама қилинди.

Марказий Осиё ва Озарбайжон маданият вазирлари минтақавий маданий маконни ривожлантириш, қўшма фестиваллар ва кўргазмалар уюштириш, моддий ва номоддий меросни жаҳон миқёсида тарғиб қилиш бўйича ташаббусларини тақдим этди.

Диний соҳа вакиллари иштирокида эса исломнинг маърифий миссияси, ёшларни бағрикенглик ва инсонпарварлик руҳида тарбиялаш, замон талабларига мос диний таълим тизимини такомиллаштириш масалалари ўртага ташланди.

Фанлар академиялари президенти учрашувида илмий ҳамкорликнинг янги йўналишлари, қадимий қўлэмаларни ўрганиш ва археология ҳамда тарих соҳаларида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масалаларига эътибор қаратилди.

Миллий музейлар раҳбарлари иштирокида музей фаолиятини рақамлаштириш, экспозиция яратишда замонавий ёндашувларни жорий этиш ва профессионал тажриба алмашиш

тажриба буюриб, “Келажақ мероси” халқаро мукофоти совриндорларини тақдирлаш маросимида иштирок этди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан таъсис қилинган халқаро мукофот адабиёт, маданият, санъат, фан, таълим ва рақамли технологиялар соҳаларида катта ютуқларга эришган юртимиз ва хорижий иждоқдорларни рағбатлантиришга қаратилган. Етакчилар ҳузурида лауреатларга мукофот статуеткаси, диплом ҳамда 10 минг доллارлик пул мукофоти топширилди.

Ишонч билан айтиш мумкинки, бу давлатларнинг ўзаро ҳамкорлиги, маданий ва маърифий ҳамжиҳатлиги нафақат минтақанинг ўзидан, балки бутун дунёда тинчлик, барқарорлик ва фаровонликни мустаҳкамлашга хизмат қилади. 80 миллиондан ортиқ нуфусга эга бўлган минтақа халқлари ўртасидаги дўстлик, қардошлиқ ришталарининг тобора мустаҳкамланиб бораётгани, аввало, Президентимизнинг кенг қўлмали ташаббуси, саъй-ҳаракатлари натижасидир.

“Марказий Осиё: умумий маданий-маърифий мерос, умумий келажақ” халқаро конгресси иштирокчилари фикр-мулоҳазалари ҳам сўзимизни яққол тасдиқлайди.

15 ноябрь куни давлатлар раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашуви доирасида Марказий Осиё давлатлари ва Озарбайжон Президентлари Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказига

аминимиз. Буюк мутафаккирларимиз асрлар давомида доғишмандлик манбаи бўлиб хизмат қилиб келган ва бу нури ёш авлодга етказиш бизнинг умумий вазифамиздир. Халқларимиз ўртасидаги маънавий кўприклар ҳар қандай сиёсий шароитдан ҳам мустаҳкам экани аллақачон тасдиқланган.

Чаримурат ЯЗМУРОДОВ,
Туркменистон Рассомлар уюшмаси раиси:

— Менимча, конгресс мавзуси — маънавият, маърифат ва маданий бирлик туркман санъатида ўз ифодасини топан гоёларга жуда мос келади. Ўйлайманки, Ўзбекистоннинг умумий меросимизни халқаро миқёсда тарғиб қилиш ташаббуси қўшма лойиҳалар ва ижодий алмашинувлар учун ажойиб истиқболларни очди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг табригида муҳим бир ибора ўз ифодасини топан: қийин замонда дунё билим, маданият ва цивилизациялар ўртасидаги мулоқотга, айниқса, муҳтож. Мен бу ёндашувга тўлиқ қўшиламан, чунки санъат одамларни бирлаштирувчи ва тинчликни сақлашга ёрдам берадиган кучлардан бири бўлиши мумкин. Конгресс мамлакатларимиз умумий меросимизнинг буюклигига таянган ҳолда биргаликда олға интилишга тайёр эканини намоёиш этди.

Фирдавс АБДУХОЛИҚОВ,
Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори.

РЕКЛАМА

Қизиқиш билдиришга сўров

«Ўзбекистонда рақамли инклюзивлик» лойиҳаси

Кредит рақами: 7425-UZB

Хизмат тавсифи: “Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси” МЧЖ “Ўзбекистонда рақамли инклюзивлик” лойиҳаси доирасида қуйидаги маҳсулотларни етказиб бериш учун мувофиқ ташкилотлар ўз тижорат тақлифлари билан қатнашиш мумкинлигини эълон қилади:

- 1 донга қўп функцияли 3 таси 1 да рангли фото принтер ускунаси;
- 15 донга ҳаммаси бирда 24-дюймли компьютер;
- 1 донга вертикал 55-дюймли сенсорли инфокиоск;
- 4 донга мултифункционал принтер ускунаси;
- 1 донга А3 форматдаги мултифункционал лазер қурилма.

Тендер тақлифлари учун тўлиқ ҳужжатлар ва батафсил маълумот учун:
udid@it-park.uz, 71-209-11-99, 90-929-60-49.

Тижорат тақлифини билдиришнинг охириги мuddати: 2025 йил 5 декабрь соат 18:00.

ФАРҒОНА УЗУМЛАРИ НОМДОР БРЕНДГА АЙЛАНМОҚДА

Юртимизнинг саховатли заминидан етиштирилган ноз-неъматларга жаҳон бозоридан ҳам талаб ортиб бораётгани кувонарли ҳол. Бунда фарғоналик боғбонларнинг ҳам ҳиссаси катта. Яқинда Фарғона узумларининг чет эллик истеъмолчилари сафига японияликлар ҳам қўшилди.

Изланиш

Гап шундаки, жорий йилнинг сентябрь ойида “Sherakhun” хусусий корхонаси томонидан Япониянинг “Washin Trading Co., Ltd” компаниясига намуна сифатида юборилган дастлабки узум маҳсулотлари япон импортчилари томонидан юқори баҳоланди. Харидорларга маҳсулотнинг сифати, таъми ва ташқи кўриниши манзур бўлибди. Натижада томонлар ўртасида қиймати 1 миллион АҚШ долларлиқ экспорт шартномаси имзоланди.

Шартнома доирасида Токио шаҳрига узумнинг “Келин бармоқ” ва “Қора кишмиш” навларидан бир тонна жўнатилади. Шу билан бирга, намуна тарихида анор ва хурмо мевалари ҳам юборилди. Япон тадбиркорлари ушбу маҳсулотларни юқори баҳолаб, яна бир муҳим келишувни амалга оширди. Улар Фарғонанинг “Quva-Agro Star” МЧЖ билан янги экспорт шартномаси имзолади. Натижада Японияга жами 4,1 тонна узум, анор ва хурмо мевалари экспорт қилинди.

Шавкатжон Алиқулов раҳбарлигидаги “Quva-Agro Star” МЧЖ 15 йилдан буён қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти билан шуғулланади. Тадбиркорнинг айтишича, Япония бозорига маҳсулот чиқариш учун сифат, экологик тозалик, тақдимот маданияти, шунингдек, етиштириш технологияларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Бугун Қуванинг ширин мевалари фақат Японияга эмас, Буюк Британиянинг Лондон шаҳрига ҳам экспорт қилиняпти, — дейди корхонанинг маркетинг бўлими бошлиғи Аброржон Абдуллаев. — Лондон бозорларида вилоятимизда пишиб етилган қовун, узум, анор, хурмо, беҳи мевалари, хатто кўкатлар ҳам сотувда. Хозирга қадар умумий ҳисобда 1,6 тонна маҳсулот жўнатдик. Бундай сифатли меваларимизга талаб кун сайин ортиб бормоқда.



Янги бозорлар ўзлаштирилиб, экспорт ҳажмининг ортиши вилоят иқтисодиётига ҳам ижобий таъсир кўрсатаяпти. Янги иш ўринлари яратилиб, фермерлар даромади кўпаймоқда. Энг муҳими, мана шундай ютуқлар қўллаб маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга ҳам олсома бағишлаб, уларни янги марралар сари руҳлантиряпти. Зотан, Фарғона узумлари боғбон ва тадбиркорларнинг изланишлари туфайли Ўзбекистоннинг халқаро бозордаги номдор брендида айланмоқда.

Улғубек РЎЗМАТОВ
«Халқ сўзи».

«Мутолаа» лойиҳаси доирасида илмий-оммабоп, бадий китобларни мунтазам ўқиб борувчи ёшлар улушини 10 фоизга ошириш кўзда тутилмоқда.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюрогма Г — 1142. 10 552 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотлари оқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; қотибхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.



Таҳририятга келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,

Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Қаршиев.
Мусаҳҳиш — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.05 Топширилди — 23.22 1 2 3 4 5 6